

СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
4 ЖИЛД, 4 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
TOM 4, HOMEП 4

INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 4, ISSUE 4



ТОШКЕНТ-2021

**СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ | МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**  
**INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART**

№4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-4>

**Бош мухаррир:**

**Холбеков Мухаммаджон**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Таҳрир ҳайъати:**

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўғли**  
ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бокиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннүллин Ким**  
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**  
ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматқул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркманистон)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Мичиган университети (АКШ)

**Умархўжаев Мухтор**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабаев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмуҳаммедов Ҳуршид**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**  
ф.ф.д. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**  
масъуль котиб, доцент (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**

**Холбеков Мухаммаджон**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Заместитель главного редактора:**  
**Тухтасинов Илҳом**  
к.ф.н., доцент (Ўзбекистан)

**Редакционная коллегия:**

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Ўзбекистан)

**Якуб Умар оғлы**  
д.ф.н., профессор (Турция)

**Алмаз Улви Биннатова**  
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Миннүллин Ким**  
д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Керимов Исмаил**  
д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматқул**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркменистан)

**Кристофер Джеймс Форт**  
Университет Мичигана (США)

**Умархўжаев Мухтар**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Мирзаев Ибодулло**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Балтабаев Ҳамидулла**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Дўстмуҳаммедов Ҳуршид**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Лиходзиевский А.С.**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Сиддикова Ирода**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Шиукашвили Тамар**  
д.ф.н. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**  
отв. секретарь, доцент (Ўзбекистан)

**Editor in Chief:**

**Kholbekov Muhammadjan**  
Doc.of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**  
**Tuhtasinov Ilhom**  
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Editorial Board:**

**Bakhtiyor Nazarov**  
academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**  
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**  
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**  
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**  
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**  
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**  
University of Michigan (USA)

**Umarkhodjaev Mukhtar**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**  
Doc. of philol. scien. (Georgia)

**Yusupov Oybek**  
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

**Pagemaker | Верстка | Сахифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## **МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT**

<b>47. Gazibekova Sohiba Yusupovna</b> FITONIMLARNING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI.....	4
<b>48. Каххорова Гулруҳ Шавқатовна</b> ЮКЛАМАЛАРНИНГ ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	9
<b>49. Исломов Икром Ҳушбокович</b> ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ МИЛЛИЙ КОРПУСИДА ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАРНИ БЕРИШ МАСАЛАСИ.....	16
<b>50. Хамидова Муборак Ҳафизовна</b> ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АНЕМОНИМ ВА МЕТЕРИОНИМЛАР.....	22

# СҮЗ САНЬАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Gazibekova Sohiba Yusupovna

Toskent davlat yuridik universiteti huzuridagi  
akademik litseyi ona tili va adabiyot o‘qituvchisi

## FITONIMLARNING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-4-47>

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada tilshunoslikning onamastika bo‘limining tarkibiy qismi bo‘lgan fitonimlarning lingvomadaniy xususiyatlari haqida fikr yuritilgan. Bugungi kunda tilshunoslikda yangi o‘rganilayotgan til va madaniyat tushunchasi bilan bog‘liq bo‘lgan lingvo-madaniyatshunoslik sohasi ko‘pchilik tilshunos olimlar tomonidan tadqiq etilmoqda. Shu o‘rinda mazkur maqolamizda tilshunoslikning yangi sohasi lingvo-madaniyatshunoslik, fitonimlarning lingvo-madaniy xususiyatlari haqidagi masalalarga qaratilganligi bilan e’tiborlidir.

**Kalit so‘zlar:** lingvo-madaniyatshunoslik, fitonim, til, madaniyat, onomastika, fitonimik leksika, botanik terminlar.

Gazibekova Sohiba Yusupovna

Teacher of the Uzbek language and literature  
at academic lyceum of TSUL

## LINGVOMADANI PROPERTIES OF PHYTONYMS

### ANNOTATION

This article gives an idea of the linguo-culturologic properties of phytonyms, which are part of the onomastics of linguistics. Today, the field of linguoculturology, which is connected with the concept of language and culture, which is being studied in linguistics, is being studied by many linguist scientists. In this regard, our article is notable for the fact that a new field of linguistics focuses on linguo-culturology, on the linguo-culturological characteristics of phytonyms.

**Keywords:** linguoculturology, phytonym, language, culture, onomastics, phytonymic lexical, botanics terminology.

Газибекова Сохиба Юсуповна

Преподаватель узбекского языка и литературы  
в академическом лицее ТГЮУ

## ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ФИТОНИМОВ

### АННОТАЦИЯ

Данная статья дает представление о лингвокультурологических свойствах фитонимов, которые являются частью ономастики лингвистики. Сегодня область лингвокультурологии,

которая связана с понятием языка и культуры, изучаемой в лингвистике, изучается многими учеными-лингвистами. В этой связи наша статья примечательна тем, что новая область лингвистики фокусируется на лингвокультурологии, на лингвокультурологических характеристиках фитонимов.

**Ключевые слова:** лингвокультурология, фитоним, язык, культура, ономастика, фитонимическая лексика, ботаническая терминология.

O‘zbek tili onamastikasini o‘rganishga kirishar ekanmiz, fitonimlarning madaniyat va tildagi vazifalarini tadqiq etishga harakat qildik. Haqiqatda til madaniyat bilan chambarchas bog‘liq holda rivojlanadi va yashaydi. Ushbu tadqiq etish jarayonida nazariy masalalar va muommolarni yoritish maqsadida tilshunoslikning lingvokulturologiya sohasiga murojaat qildik.

Lingvokulturologiya - bu tilshunoslik, madaniyatshunoslik, tilda milliy madaniyat aks etishi va mustahkam o‘rnashib olishi tadqiq etuvchi sohalar to‘qnashgan o‘rinda paydo bo‘lgan tilshunoslik tarmog‘idir.

Lingvokulturologiya- til va madaniyat, o‘zaro madaniy aloqa masalalarini ilmiy tadqiq etadi, chunki: “Til madaniyat bilan juda zinch bog‘langan, u madaniyatga yetib boradi, unda rivojlanadi va uni ifodalaydi” Bu soha faqat madaniyat bilan emas, balki u orqali turli milliy urf-odatlar, diniy hodisalar, milliy kontseptlar, dunyoning til orqali ongli his qilish vositalarini o‘rganadi. Dunyoning til xaritasi umuman ularning insonlar ongidagi mantiqiy ifodasi bilan mos keladi. Bu masalani keng va chuqur ilmiy o‘rganish lingvokulturologiya va lingvokognitologiya bilan bo‘qliqdir.

Fitonimlarning o‘zbek tili va madaniyatidagi vazifasi, ahamiyati, lingvomadaniy xususiyati ustida tadqiqot ishlari olib bordik. Shu o‘rinda fitonim so‘zining izohi to‘g‘risida to‘xtalmoqchimiz. Fito-(yun. Phyton-o‘simplik) Baynalmilal o‘zlashma qo‘shma so‘zlarning tarkibiy qismi bo‘lib, o‘simpliklarga yoki o‘simpliklar haqidagi fanga aloqadorlikni bildiradi. Mas. Fitobar, fitopatologiya. Fitonimlar-o‘simpliklar nomlaridir. O‘simpliklarning madaniyatidagi vazifasi esa beqiyos. Tabiat - kuchli ilhom manbai hisoblanadi. Tirik jon borki, o‘simpliklar bilan bog‘liq hayot kechiradilar. Insoniyat paydo bo‘lganidan buyon o‘simpliklar bilan oziqlanadi. O‘simpliklardan dori-darmon tayyorlashda, turli mahsulotlar tayyorlashda, foydalanishadi. Qadimiylar madaniyatimiz, milliy e’tiqodlarimiz, xalq tabobatida ham o‘simpliklarning o‘rni katta. Xalqimizning turli marosimlarida o‘simpliklar, ularning mevalari, shohlari ramziy ma’nolar kasb etadi.

Shunday qilib o‘simpliklar madaniyatning turli jabhalarda o‘rganiladi.

Fitonimlar-o‘simpliklarga qo‘ylgan nomlari bo‘lsa, Fitonimiya o‘simplik nomlarining majmuvi, Fitonimika esa fitonimlarni o‘rganuvchi tilshunoslikning bo‘limidir. Fitonimikaning umumiyy va xususiy ko‘rinishlari bor. Umumiy fitonimika bugungi dunyo zaminidagi o‘simpliklar dunyosini ilmiy me’yorlarda tadqiq etish yo‘lidan boradigan sohadir. Xususiy fitonimikaning alohida bir ko‘rinishi sifatida O‘zbekiston Respublikasi zaminidagi o‘simpliklar nomlari majmuini “O‘zbek nomshunosligi” va “Nomshunoslik masalalari” fanlarining ilmiy-nazariy dalillari vositasida tadqiq qiladigan “O‘zbekiston fitomikasi”ni ko‘rsatish mumkin.

Mamlakatimizdagagi o‘simpliklarning barcha xususiyatlarini olimlar o‘rganishgan.

Fitonimlarning ko‘philigi dorivorligi bilan ajralib turadi. Abu Rayhon Beruniyning “Saydana” asarida yetti yuzga yaqindorivor giyohlar nomlari tasniflangan. Shuning uchun ular fitonimlarning nomlarini ham ma’lum darajada e’tiborga olishsa-da, ularning nomlari yuzasidan tadqiqotlar olib borishmaydi, balki o‘simpliklar bilan ish olib borishadi. Shuning uchun fitonimlarning nomlarini o‘rganishda ikkita obyektga murojaat qilish foydadan holi emas:

1) Bevosita o‘simplik nomlarini o‘rganish uchun ular o‘sadigan joylarda yashayotganlardan so‘rab surishtirish;

2) biologlar tomonidan o‘simpliklarga bag‘ishlab tayyorlangan kitob-o‘quv qo‘llanmalari, darsliklar va lug‘atlarni o‘rganib chiqish, ularda qo‘llanilgan o‘simpliklar nomlarini o‘zgarishsiz yozib olish. O‘zbekistondagi fitonimlarning nomlanishini haligacha ilmiy va amaliy jihatdan ham jiddiy tarzda o‘rganilmagan. Masalan, mamlakatimizda o‘simpliklar sho‘ro davrida ruscha aytilgan hozir ham ularning ruscha nomlanishi qo‘llanadi-yu, o‘zbekcha nomlanishiga e’tibor negadir jiddiy emas. Tol, Terak, Chinor, O‘rik kabi bir qancha fitonimlar ko‘proq uchraydi, shuning uchun ular toponimlashib,

fitotoponimga ham aylangan. unga quyidagilar misol bo‘ladi: Qo‘shtol, Qatortol, Qo‘shterak, Terakli, Chinor, Chinorli, O‘rikkapa, O‘rikzor, O‘rikli va boshqalar. Bu nomlarda tol, terak, Chinor, o‘rik so‘zlari topoasos vazifasini bajargan. “O‘zbekfitonimikasi” umumiy fitonimikaning ko‘rinishi sifatida quyidagitaraqqiyot bosqichlarini bosib o‘tgan:

1) “O‘zbek fitonimikasi” tarixi; 2) “O‘zbek fitonimikasi”ning bugungi holati. Hozirgi vaqtida o‘zbek fitonimlari lug‘ati shakllangan bo‘lib, uni mukammal shaklga keltirish zarur. Fitonimlar ham so‘zlardan shakllanadi, ammo barcha so‘zlar fitonim bo‘lavermaydi. Ular qanday leksik birliklardan tashkil topganiga ko‘ra ikkita katta guruhga bo‘linadi: a) umumturkiy va o‘zbek tili so‘zlaridan tashkil topgan fitonimlar; O‘zlashgan so‘zlardan shakllangan fitonimlar. Shuning uchun ularni ilmiy asoslarda o‘rganish ularga xos nomlanish qonuniyatlarini ochib beradi. O‘simlik nomlarini ifodalovchi lug‘aviy birliklarga nisbatan lingistik tadqiqotlarda o‘simlik nomi, o‘simliklarni ifodalovchi leksemalar, o‘simlik otlari, o‘simliklarni atovchi otlar, botanik terminlar, fitonim, fitonimik leksika, floristik leksika kabi terminlari qo‘llangani kuzatiladi. Bu birliklardan ayrimlarining ma’no mundarijasi, o‘zaro G.Ne’matovaning dissertatsiyada tahlil qilingan. 1 Fitonim grekcha Phuton- o‘simlik + onoma- atoqli ot) Bionim (yun.biog- bios, hayot+onoma-nom)lar. Fitonim termini ilmiy neologizm sifatida rus tilshunosligida XX asrning 70- yillarda yuzaga kelgan, keyinroq o‘zbek onomastikasiga ham o‘zlashgan.

Masalan, O‘zbekistonda o‘rikning Oqo‘rik, Shalax, Ruhi Juvanon, Mohtobi Ahroriy, Subhoniy, Gulungi, Ko‘rsodiq, Xurmoi, Isfarak, Javpazak, kabi nomlari bor. Mazkur nomlar o‘rik apellyatividan farqli o‘laroq o‘rik navlarini ifodalovchi maxsus atoqli nom sifatida fitonimlardir. O‘zbek tilshunosligidagi onomastikaga oid ilmiy manbalarda fitonimika sohasi o‘rganadigan masalalar ko‘lami ham aniq belgilanmagan va ko‘rsatilmagan. Bizningcha, fitonimika o‘rganadigan ilmiy- nazariy va amaliy masalalar keng. Fitonimika fitonimlar bilan bog‘liq quyidagi masalalarni:

- 1) o‘simliklarning atoqli nomlari-fitonimlarning paydo bo‘lishi va shakllanishining lisoniy,nolisoniy omillarini;
- 2) o‘simliklarning nomlanishiga doir tarixiy, xalqona an’analarni;
- 3) fitonimik indikatorlarning lisoniy xususiyatlarini va fitonimlar tarkibidagi vazifasini;
- 4) o‘simliklarning nomlanish tamoyillarini;
- 5) fitonimlarning tarixiy va zamonaviy shakllarini hamda fitonimlardagi lisoniy o‘zgarishlarni;
- 6) fitonimlarning lug‘aviy-ma’noviy xususiyatlarini; fitonimlarning morfemik va yasalish modellarini;
- 8) tilning apellyativ leksikasi bilan fitonimik leksikasi munosabatlarini;
- 9) fitonimlarning boshqa bionim turlari: antroponimlar va zoonimlar, ornitonimlar bilan munosabatini va bundagi vazifaviy o‘tishlarni;
- 10) folklor, tarix botanikaga oid asarlardagi va qadimiylar qo‘lyozmalardagi fitonimlarning yaratilishi bilan bo‘gliq ma’lumotlarni;
- 11) fitonimlarning mahalliy lahja va shevalarga oid xususiyatlarini;
- 12) fitonimlarning etimologiyasini;
- 13) fitonimlarni tasniflash bilan bog‘liq ilmiy va amaliy masalalarni;
- 14) fitonimik xarita va lug‘atlar tuzish tamoyillarini o‘rganishi lozim. Botanika faniga oid tadqiqotlarga, o‘simlik nomlarining ma’no-mohiyatiga ko‘ra fitonimlarni dastlab, quyidagi ma’noviy guruhlarga bo‘lish mumkin:
  - 1) Daraxt nomlari: xurmo navlari: Sharq xurmosi, Vaxsh Xiakume.
  - 2) O‘t-o‘lan nomlari: beda dukkakli o‘simlik “Yettisuv”, “Xiva”, “O‘zgan” “Toshkent-1”, “Vaxsh-233”, kabi
  - 3) Poliz ekinlari nomlari. Bodring navlari: ”Marg‘ilon-822”, “Gulnoz”, “Navro‘z”, “Omad” kabi
  - 4) Gul va Buta nomlari: qalampir navlari: “Marg‘ilon 330”, “Nafis”, “Kelin tili” navlari.
- Uzumchilikka oid ilmiy, ilmiy- ommabop manbalarda, ko‘pincha uzum navlari o‘z ichida uch guruhga bo‘linadi:
  - 1)xo‘raki: “Nimrang”, ”Parkent”, ”Kattaqo‘rg‘on”, ”Sultoniy”, ”Charos”, Kitob”, ”Surxaki”, ”Husayni”, ”Qorajanjal”, ”Chillaki”, ”Daroyi”, ”Xo‘ja, Ahroriy”, ”Rizamat” kabi

2) mayizbop: "Oqkishmish", "Shakarangur", "Sultoniy", "Kattaqo'rg'on", "Nimrang" kabi  
 3) vinobop: "Baxtiyoriy", "Tarnov", "Risling", "Bihishti" kabi. Fitonimika onomastikaning bir bo'limi sifatida o'zining o'rnatilishi obyekti va predmetiga ega. Demak, fitonimika ham tilshunoslikning nazariy va amaliy ahamiyatga ega bo'lgan sohalaridan biri hisoblanadi. O'simliklarning nomlari fitonimlar, ularning majmui fitonimiya deb yuritiladi.

Badiiy asarlarda o'simliklarni ta'riflashda shaxsiyat mavjud ichki psixologik holatni ko'rsatish vositasi sifatida faoliyat yuritadigan allegoriya qahramon va shaxslararo munosabatlar.

O'zbek tilida joylar nomlaridan tashkil topgan ko'plab fitonimlar mavjud, etnik guruhlar, qushlar va hayvonlar bir yoki bir nechta belgilar bilan bog'liq o'simliklar. Masalan: kampirchopon, bo'rikalla ...

O'simlik nomlari bilan bog'liq mazmunga o'xshash so'zlarni taqqoslash, rus va adighe tillarida nafaqat tuzilishi bilan farq qiladilar, so'zlar yoki dizaynlar boshqa tilda emas, balki bir xil so'zlar va dizayndagi tillar turli yo'llar bilan ishlatiladi.

O'zbek tilida o'simlik nomlarining kelib chiqishining tahlili quyidagi xulosalarga olib keldi:

- o'simlik nomlari tuzilishida o'ta xilma -xil;
- zamonaviy o'zbek tilida turli xil kelib chiqadigan fitonimlar mavjud, ular ikkita asosiy leksik qatlamga bo'linishi mumkin: asl va olinma so'zlarda;
- asl so'z bilan birga, o'simlikning nomi, rus tili va boshqa tillardan olingan;
- ko'plab olinma o'simlik nomlari o'zbek tilining leksik tizimini boyitishda muhim rol o'ynaydi;
- o'simlik nomlarining etimologik tahlili ularning tilga kirib, asl mohiyatini aniqlash yo'lini belgilash imkonini beradi;
- o'simlik nomlarining etimologik tahlili ularning yo'lini belgilash imkonini beradi tilga kirish va fitonimlarning boshlang'ich motivlarini aniqlash.

Adighe tilidagi o'simlik nomlarining o'ziga xos xususiyatlарини lingvistik tahlil qilish quyidagilarni ko'rsatdi:

- morfologik nuqtai nazardan, o'simlik haqiqati deb ataydigan so'zlar ikki guruhga bo'linadi: lotin bo'lmagan va lotin;
- o'simliklarni nomlash tizimini boyitishning asosiy vositasi biriktirish;
- murakkab tuzilishga ega bo'lgan o'simliklarning nomlari, asosan, kompleks bilan berilgan so'zlar, quyidagi modeldar bo'yicha qurilgan: ot. + ot, ot + sif., sif. + ot; ot+fe'l.
- fitonimlar davrasida ma'lum bir joyni hosil qilingan qo'shimchali usuldagagi so'zlar egallaydi;
- iboralar adigey tilida o'simlik nomlari tizimida kamdan -kam uchraydi.

Rus va o'zbek tillarida o'simlik nominatsiyalari eng ko'p asoslangan geografik va tabiiy joylashuvni o'z ichiga oladigan har xil motivatsion atributlar o'sishi, rangi, o'chhami, shakli, ta'mi, hidi, umumiy va pragmatik xususiyatlari bilan farqlanadi. Materialni tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, o'simliklarning nomlari har xil assotsiativ xususiyatlarga asoslangan nominatsiyani amalgalashuvchi motivatsion xususiyatlardir. O'simlik dunyosi bilan bog'liq antropomik va toponimik nomlar, adighe toponimiyasining keng qatlamini tashkil qiladi. ularning asosida yaratilgan fitonimlar taxalluslar, shaxsiy ismlar va familiyalar, ko'pincha antropomilar asosi sifatida harakat qiladi. Ichida adighe tili fitonimlar, antropomilarning rivojlanishining asosiy manbalari asl va olinma so'zlar hisoblanadi. Fito toponimik so'z birikmalarini tahlil qilish bizga mal'um bir joyning landshaftining yo'qolgan xususiyatlari, ko'chirish haqida ma'lumotlarga aniqlik kiritish imkonini berdi. Boshqa hududlardan nomlar va tizimdagи o'simlik dunyosining aksini toponimlar, gidronimlar va oikonimlarda ko'rib chiqish mumkin.

Tilshunoslik-geografik jihatdan o'simliklarning nomlari turlicha. Har xil joylarda har xil o'simliklar bir xil so'z yoki bir xil o'simlik bir necha nomlarda ataladi. O'zbek yozuvchilarining tabiatli xalqning ma'naviy hayotining ifodasidir. Ijodiy fikr – ko'plab yozuvchilarda tabiiy muhit tufayli shakllanadi. Tasvirlar tabiat mualliflarga juda mohirlik bilan uzatiladi, ular tabiiy va organik ravishda qabul qilinadi. Yozuvchilar til ijodining ijtimoiy psixologik asoslarini tushuntirish uchun o'simlikning hayoti haqidagi bilimlardan foydalanadilar.

**Foydalilanilgan adabiyotlar:**

- 
1. Nurmanov Fi mif-dunyodagi til rasmining muhim tarkibiy qismi.// "Topikal" Jurnali gumanitar va tabiiy fanlar muammolar " 2015 № 5-1 p. 276-278.
  2. Hasanova G‘. X. dunyoning Milliy madaniy tasviri.// Jurnal " dolzarb muammolar gumanitar va tabiiy fanlar " 2015 yil № 5-1 p. 299-301.
  3. Hathe Asiet. Kognitiv va lingvokulturologik o'simlik dunyosining nominatsiyalari xususiyatlari . Muallif.Filol.fanlar. dok. Maikop. 2010 p. 6-18
  4. Shayxislamov Z. N. Lingvokulrurologiyaning fanlar sistemasidagi maqomi va uning etnolingvistika, Sotsiolinvistikva etnopsixolingvistika bilan bo‘g‘liqligi. Academic Research in Educational Sciences. Vol. 1 No. 2, 2020 ISSN 2181-1385
  5. Abduazizov fayllar/org. Maslova V.A. Lingvokulturologiya. 2-izdanie. M.: Akademiya, 2004, s. 9
  6. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. <https://n.ziyouz.com/> 350-bet
  7. Do’simov Z. Tillaeva M. Toponimika asoslari. Toshkent. 2002 42-43-48 betlar.
  8. Do’simov Z. Xorazm onomastikasining shakllanishi va Avesto.Toshkent, Fan, 2012
  9. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 1-2-tomlar. Moskva: Rus tili, 1981
  10. O’rinboev B. Asrlardek barhayot nomlar. – Samarqand: Zarafshon, 2003
  11. O‘zbek terminologiyasida leksik variantlar. Toshkent: Fan 1980

# СҮЗ САНЬАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Каххорова Гулрух Шавкатовна  
Бухоро давлатуниверситети  
таянч докторант  
gulruk@mail.ru

## ЮКЛАМАЛАРНИНГ ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-4-48>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада юкламаларнинг грамматик хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Юкламалар сўзларга ёки гапларга тааллуқли бўлиб, уларга турли эмоционал маъно оттенкаларини кўшади. Баъзан бунда бир кўринишдаги юкламанинг бир неча маъно товланишларини ифодалаб келиши кузатилади, шунинг учун улар кўпинча жуфт ном билан атаб келинади. Жумладан, сўроқ юкламалари, асосан, сўроқ-таажжуб юкламалари дейилишига уларнинг бир пайтда ҳам сўроқ, ҳам таажжуб, ҳам хайрат билдириб келиши сабаб бўлади. Юкламалар лексик сатҳ бирлиги сифатида гап мундарижасига таъсир қилиш, мазмун-моҳиятини, ифода мақсадини белгилаш хусусиятига эга. Бир маъно гурухига мансуб юкламалардан биттаси ёки бир нечтаси, шунингдек, бир гапда бир неча маъно гурухига мансуб юкламалар аралаш қўлланиб келиши мақолада инглиз ва ўзбек тиллари кесимида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** кучайтирув-таъкид юкламаси, аслият ундов, дарак, сўроқ ва буйрук юкламалари, хукм ифодаланиши, турғун, иккиламчи

## ГРАММАТИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЧАСТИЦ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье обсуждаются грамматические особенности загрузок. Загрузки относятся к словам или фразам, добавляя к ним различные оттенки эмоционального значения. Иногда наблюдается, что нагрузка в одной форме представляет собой несколько семантических неоднозначностей, поэтому они часто называются парой имен. В частности, их называют вопросительными загрузками, потому что они одновременно и вопросительные, и удивленные. Загрузки как единица лексического уровня обладают способностью влиять на содержание речи, определять суть, цель выражения. В статье анализируется использование одного или нескольких значений в одном предложении, а также смешение нескольких значений в одном предложении на английском и узбекском языках.

**Ключевые слова:** усиливающе-акцентирующая нагрузка, исходное побуждение, глагол, вопросительные и командные нагрузки, выражение предложения, стабильное, вторичное.

## GRAMMAR CHARACTERISTICS OF PARTICLES

## ANNOTATION

This article discusses the grammatical features of downloads. Downloads refer to words or phrases, adding to them different shades of emotional meaning. Sometimes it is observed that a load in one form represents several semantic ambiguities, so they are often called by a pair of names. In particular, the reason why they are called interrogative uploads is mainly because they are both interrogative, surprised and amazed at the same time. Downloads as a unit of lexical level have the ability to influence the content of speech, to determine the essence, the purpose of expression. The article analyzes the use of one or more of the meanings in one sentence, as well as a mixture of several meanings in one sentence in English and Uzbek.

**Keywords:** reinforcement-emphasis load, original urge, verb, interrogative and command loads, sentence expression, stable, secondary

Юкламалар ё биргина сўзга, ё бирор сўз бирикмасига, ёхуд бутун бошли бир гапга тегишли бўлиши ва уларга маъно қўшиши кузатилади. Айниқса, гапнинг ифода мақсади ва оҳангига кўра турлари ҳосил бўлишида юкламаларнинг ўз ўрни бор. Хусусан, бу фикр кўпроқ сўроқ гаплар ҳосил бўлишига тааллуқлидир. Аммо юкламалар гапнинг ифода мақсадига кўра дарак ва буйруқ гап кўринишларида ҳам қўлланади. Бирок уларни ҳосил қилишда эмас, маъносини кучайтиришда иштирок қиласди. Юкламалар гапнинг ифода мақсади ва оҳангига кўра турларининг лексик-морфологик хусусиятларини белгилаб кўрсатишда ўз ўрнига эга. Ўзбек тилида сўроқ гапларни ҳосил қилишда сўроқ юкламалари (-ми, -чи, -а, -я), инкор шаклидаги гапларни вужудга келтиришда инкор юкламаси (на, на), ундов ёки ҳис-ҳаяжон гапларни пайдо қилишда кучайтирув-таъкид юкламалари (ахир, наҳот, наҳотки, -у, -ю, -да, -ку) фаол иштирок қиласди.

**Дарак гапларда юкламалар** “бирор ҳодиса ҳақида хабар бериш, бирор фактни, белгини констатация қилиш, тасдиқлаш” учун хизмат қилувчи воситалардан биридир. Бизнингча, дарак гаплар бирор воқеа-ҳодисанинг тасдиғи ёки инкори, аниқлиги ёки ноаниқлиги, бўлиш ёки бўлмаслиги, тахмин-тусмоллиги, орзу-истак, мақсад, гумон билан боғлиқлиги маъноларини ўзида ифодалаб келиши туфайли уларда мана шундай маъно-хусусиятли юкламаларни қўллаш имкони кенг. Масалан: “It is such a fine street. (Th.D. Sister Carrie, 25)”. – “Ўзиям кўчамисан кўча-да!” (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 36). Ушбу дарак мазмунидаги гапнинг аслиятида бирорта юкламалар кузатилмаса-да, унинг ўзбекча таржимасида иккита юклама қўлланилган. Улардан бири ҳам кучайтирув-таъкид юкламасининг сўз кўринишидан қўшимча кўринишида қисқартирилган -ям шакли бўлса, иккинчиси -да кучайтирув-таъкид юкламасидир. Натижада аслиятдаги дарак гап таржимада ундов (ҳис-ҳаяжон) гап шаклида ифода топган.

**Буйруқ гапларда юкламалар** буюриш, қисташ, даъват қилиш, чакириш, ундаш, йўналтириш, дўй-пўписа, зарда, жиғибийронлик, талваса, кесатиқ, илтимос, ялиниш, таклиф, насиҳат, тақиқлаш, огоҳлантириш, рухсат қилиш, тилак-истак билдириш каби турли модал маъноларни ифодалашга хизмат қиласди. Масалан: “He really expected to hear the common “Aw! go chase yourself!” in return”. (Th.D. Sister Carrie, 42). – “Бор-е, аравангни торт! қабилидаги жавоб кутганди. Лекин Керри индамай ўгирилиб олганида жуда ҳайрон бўлди-да, уялганидан ҳиринглаб, нари кетди”. (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 60).

Бунда инглиз тилида буйруқ гапни ҳосил қилиш учун ундов сўзлардан, буйруқ майлидаги феъллардан фойдаланилаётган бўлса, шу гапнинг ўзбекча таржимасида -э,-да каби қўшимча кўринишидаги кучайтирув-таъкид юкламалар ҳамда буйруқ майлидаги феъл ишлатилган.

Қуйидаги гап аслиятда “Ох” ундови билан берилгани учун унинг ўзбекча таржимасида шу ундов сўзга хос кучли ҳис-ҳаяжон оҳангини юзага чиқариш мақсадида бирданига иккита кучайтирув-таъкид юкламаси -да ва “ахир”дан фойдаланилган: “Oh, I need one,” said Carrie”. (Th.D. Sister Carrie, 43). – “Менга зонтик керак-да, ахир! – Керри унга шундай жавоб берди”. (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 61).

**Сўроқ гапда юкламалар** сўроқ мазмунини юзага чиқаради: “Made a lot of money in his time, though, hasn't he?” (Th.D. Sister Carrie, 36). – “Пулни вақтида ишлаб олган-а?”.

Ўзбек тилида сўроқ-таажжуб юкламалари сўроқ гапларни ҳосил қилувчи фаол лингвистик воситалардан биридир. Лекин улар ҳис-ҳаяжон гапларни ҳам ҳосил қилувчи воситалар қаторида тура олади. Ўзбек тилида юкламалар ёрдамида тузилган ҳис-ҳаяжон гаплар, асосан, сўроқ-таажжуб (-ми, -чи, -а, -я), кучайтирув-таъкид (ахир, ҳатто, нахот(ки), -у, -ю, -ку, -да ва бошқа юкламалар ёрдамида ҳосил бўлади. Бу юкламалар кўпинча феъл-кесим билан қўлланади, ўрни билан от-кесим, *бор*, *йўқ*, *керак*, *лозим*, *зарур* каби сўзлар билан ҳам қўлланиб келади.

Гапларнинг коммуникатив типларини ажратишда пресуппозиция асосида иш юритиш яхши самара бериши аён. Жумладан, -чи юкламаси иштирок қилган гаплар, асосан, сўроқ гапларни ҳосил қилиши сабабли уларда ҳукмнинг ифодаланиши ҳақидаги фикрлар ҳамиша мунозарали бўлиб келган. Кимлардир унда “хукм ифодаланмайди” деб ҳисобласа, кимлардир ҳукмнинг яширин ифодаланишини, ё хусусий кўринишга эгалигини, ё “ҳақиқий ҳукм сўроққа берилган жавобдан англашилади” дея қайд этишади.

-чи сўроқ юкламаси ўзи каби сўроқ мазмун ифодалайдиган -ми, -а, -я юкламалари билан гапнинг сўроқ мазмунли типини ҳосил қилувчи қўшимча сифатида ҳам қаралади. Шу маънода гўё у сўзни эмас, гапни ясовчи қўшимча тарзида кўрсатилган. Жумладан, тилшунос О.Бозоров -чи юкламаси қаторида -ми, -а, -я юкламаларинигап турини ҳосил қилувчи юкламалар деган. Бунда, бизнингча, ушбу юкламаларнинг турли хусусиятлари ва мазмуний грамматик талқинидан ҳамда сўроқ гапларнинг маҳсус гапнинг коммуникатив тури эканлигидан келиб чиқилган.

Кузатишлиаримиз шуни кўрсатадики, -чи ва бошқа сўроқ юкламалари (-ми, -а, -я) орқали ҳосил қилинган сўроқ гапларда ҳукм ифодаланмайди. Ҳукм сўроққа берилган жавоб орқали ифодаланиши рост. Масалан:

Савол: “У расмингизни чизиб бермаса-чи?” (Тахмин, гумон).

Жавоб: У расмимни чизиб беради. (Қатъий ишонч ва ҳукм).

Баъзан **-чи** сўроқ юкламаси ёрдамида ҳукмнинг яширин ифодаланиши ҳам кўзга ташланади. Масалан: “Олган сигиримиз қисирип бўлса-чи?” гапидан пресуппозицияга кўра “Хозиргача сигирнинг иккитақатлиги билинмаяти, қорни дўппаймаяти” деган холоса, ҳукм яширин ифодаланаётганлиги англашилмоқда.

Кўйидаги олтида гапнинг бештасида сўроқ-таажжуб юкламалари (-ми, -а, -я, -чи)дан фойдаланиб сўроқ гаплар тузилган ва улар ифода мақсадига кўра бир хилда сўроқ гап деб юритилса-да, маъноларидаги фарқлари жиҳатидан бир хилда айтилмайди:

Шунча далага қовун-тарвуз экибсизларми?

Шунча далага қовун-тарвуз экибсизлар-а?

Шунча далага қовун-тарвуз экилибди-я?

Шунча далага-чи нега қовун-тарвуз экилган?

Шунча далага қовун-тарвуз экибсизлар-ку?

Аниқроғи, бу гапларнинг оҳангига фарқ борлиги сезилади. Жумладан:

Шунча далага қовун-тарвуз экибсизларми? (сўроқ-таажжуб)

Шунча далага қовун-тарвуз экмайсизларми? (сўроқ-буйрук)

Шунча далага қовун-тарвуз экибсизлар-а? (сўроқ-ҳайрат)

Шунча далага қовун-тарвуз экилибди-я? (сўроқ-таажжуб-ҳаяжон)

Шунча далага-чи нега қовун-тарвуз экилган? (сўроқ-таажжуб, дўқ)

Шунча далага қовун-тарвуз экибсизлар-ку? (сўроқ, таъкид)

Демак, ҳар қандай содда ва мураккаб гапда юкламалар пресуппозицияга ишора қилувчи восита сифатида иштирок этар экан, ўша гапни ҳам мазмун, ҳам оҳанг жиҳатидан фарқлашга хизмат қила олади. Қолаверса, бу гапларни яна қўйидаги кўринишларда ифодалаш ва англаш мумкин:

Шунча далага қовун-тарвуздан бошқа нарса ҳам экиш керак эди.

Шунча дала бўш қолиб кетмасин.

Бошқа нарсадан кўра қовун-тарвуз харидоргир экан.

Бунча қовун-тарвуз кўп.

Далалардан унумли фойдаланилмаган.

Шунча далага факат қовун-тарвуз экмаслик керак эди.

Кўриняптики, бу гаплар пресуппозицияга кўра мазмуний жихатдан мураккаблашган.

Бунда юкламалар таъсири катта. Шундан келиб чиқиб, нутқда пресуппозицияга ишора қилувчи воситалардан бири юкламалар эканига ишонса бўлади.

Агар соф сўроқ гаплар сўроқ юкламалари билан тузилган бўлса, гапнинг маъноси сўроқ юкламаси ва гапнинг мавжуд бўлаклари орқали англашилади. Шунингдек, сўроқ мазмунли гаплар таржимада кўпинча сўроқ маъносини сақлаган ҳолда ўгирилиши кузатилади: “You will be in Chicago some little time, won't you?” (Th.D. Sister Carrie, 5). – “Чикагода пича бўласиз-ку, шундайми?” (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 10).

Ушбу гапда аслиятдаги “won't” сўроқ сўзига хос сўроқ мазмуни ва оҳанги ўзбекча таржимада -ку кучайтирув-таъкид ҳамда -ми сўроқ юкламалари орқали ифода қилинган.

Инглиз тилида **though** боғловчи вазифасида кўлланувчи сўзлардан бири бўлиб, у ўзбек тилида ...са ҳам, ...га қарамасдан, бўлса ҳам (тўсиқсизлик), аммо, бироқ (зидлов боғловчилари), ҳатто (кучайтирув-таъкид юкламаси), гарчи (шарт боғловчиси), ҳар ҳолда равиши кабиларни таржимада ўзида алмаштира олади.

Рус тилида сўроқ гаплар кўпинча сўроқ оҳанги билан ҳосил қилиниши маълум. Бироқ унга оиласдош инглиз тилида ҳамда ноқардош ўзбек тилида сўроқ гаплар ҳар доим сўроқ оҳанги билан ҳосил қилинмайди. Масалан, ўзбек тилида сўроқ гаплар кўпинча сўроқ юкламалари ёрдамида ҳосил қилинади. Бундан ташқари сўроқ олмоши, сўроқ оҳангидан ҳам сўроқ гапнинг турига қараб фойдаланиш ҳолати мавжуд. Аммо инглиз тилида кўпинча инверсиядан ё бирор ёрдамчи сўздан фойдаланилади.

Гапнинг оҳангида кўра ҳис-ҳаяжон (ундов гап) ҳамда ҳис-ҳаяжонсиз гаплар фарқланиши маълум. Ҳис-ҳаяжон гапларда, хусусан, кучайтирув-таъкид юкламаларининг ўрни сезиларли. Масалан: “Not even a handkerchief”. (Th.D. Sister Carrie, 217). – “Хатто дастрўмолим ҳам йўғ-а! (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 284)”. Бу гапнинг инглизча ифодасида факат битта (even) юклама иштирок қилган бўлса, унинг ўзбекча таржимасида иккита кучайтирув-таъкид (ҳатто, ҳам) ва битта сўроқ-таажжуб (-а) юкламаси келтирилган.

Юқорида кузатилгани каби баъзан гапдаҳайрат ва таажжуб маъноси инглиз тилида оҳанг ёрдамида ифода қилинган бўлса, ўзбек тилида сўроқ-таажжуб юкламалари орқали берилishi кузатилади. Масалан, “How time does fly! (S.M. The Luncheon, 97)”. – “Вақт қандай тез ўтади-я! (A.O. Нонушта, 82)” гапдаҳайрат ва таажжуб маъноси инглиз тилида оҳанг ёрдамида ифода қилинаётган бўлса, ўзбек тилида -я сўроқ-таажжуб юкламаси орқали ифодаланмоқда.

Қўйидаги гапда эса ҳайрат ва таажжуб маъноси инглиз тилида “Ah” ҳис-ҳаяжон ундови воситасида ифодаланган бўлса, ўзбек тилида “Ah” ундови бўлишига қарамай, унинг ўрнида “O” эмоционал ундовидан ҳамда -ми сўроқ-таажжуб юкламасидан фойдаланган ҳолда таржима амалга оширилган. Бунинг натижасида гапнинг оҳангидан ҳайрат ва таажжуб маъносига сўроқ маъноси ҳам қўшилиб, сал ўзгариш юз берган: “Ah, the promise of the night” (Th.D. Sister Carrie, 7). – “О, тушаётган оқшомнинг ваъдаларини айтмайсизми! (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 14)”.

Сўроқ ва таажжуб оҳанглари бирлигига ҳосил бўлган ҳис-ҳаяжон гаплар ҳам учрайди. Масалан, “When the doctors have said they can't cure you, I say to them, come to me (S.M. Mackintosh, 113)”. – “Қани, унда менга келинглар-чи! Мен сизларни даволаишга қодирман (M.O. Макинтош, 168)”. Ушбу гапнинг аслияти буйруқ оҳангидаги гап бўлса-да, унинг таржимаси ўзбек тилида -чи сўроқ-таажжуб юкламаси иштирокида амалга оширилиб, ҳис-ҳаяжон гап кўринишида берилган.

Ҳис-ҳаяжон гапларни ҳосил қилишда сўз кўринишидаги юкламаларнинг ўз ўрни бор. Бунда кўпинча **ахир** кучайтирув-таъкид юкламасининг ўрни катта.

Юкламалар қўшма гап таркибидаги содда гапларни ва ундаги уюшиқ бўлакларни бириттирув, зидлаш, айирув, инкор асосида тенг боғлашда қатнашиб келади. Шунга кўра, аксарият манбаларда ҳам, ҳамда, на...на,-у, -ю, -да юкламалари ёрдамчи сўзлардан бири – боғловчилар сафида саналиб, бириттирув боғловчилари қаторида кўрсатилади. Р.Расулов ҳам сўзининг қўлланилиш ўринлари ва англатган маъноларини атрофлича ёритар экан, унинг гапларга қандай маъно нозикликлари беришига қараб: 1) таъкид ёки кучайтирув юкламаси; 2) тўсиқсизлик юкламаси; 3) бириттирув боғловчиси каби турларини ажратади. Ҳам юкламаси кўпроқ кейинги даврларда яратилаётган илмий-тадқиқот ишларида юкламалар қаторида талқин этилмоқда.

**Ҳам** юкламаси такрор қўлланса (*ҳам... ҳам*) айирув боғловчиси, якка қўлланса юклама ҳисобланади. Бу юклама гапнинг турли бўлакларига боғланиб келади ва ўзига хос пресуппозицияни юзага келтиради. Улар боғловчи бўлиб келганда, уюшиқ бўлакларни ёхуд қўшма гап таркибидаги содда гап қисмларини ўзаро бириттириб келиш ҳолати ҳам кузатилади. Аммо бу услубий жиҳатдан грамматик нормага тўғри келмайди. Шунинг учун **ҳам** сўзини ҳамиша юкламалар қаторида талқин этиш ўринли бўлади. Чунки **ҳам** юкламаси гапда, аввало, ўзига хос маълум нозик маъно товланишларини намоён этади. Бу эса, унинг юкламалик хусусиятини янада аниқлаштиради ва мустаҳкамлайди.

Ўзбек тилида -у, (-ю) юкламалари ҳам бириттирув, ҳам зидлов муносабатли қўшма гапларни шакллантиришда хизмат кўрсатади. Улар бириттирув муносабатли қўшма гап қисмларини боғлаб келганда бириттирув боғловчиларига, зидлов муносабатли қўшма гапқисмларини боғлашда иштирок этганда эса зидлов боғловчиларига синоним сифатида қаралади.

Ўзбек тилида юкламалар бир-бирига тобе бўлмаган, тенг ҳуқуқли содда гаплардан ташкил топган қўшма гап қисмларини ҳам, кўп компонентли қўшма гап қисмларини ҳам ўзаро боғлашда иштирок қилиши маълум. Таркибидаги предикатлари тенг боғланган қўшма гаплар инглиз тилида ҳам учрайди: “Carrie crossed the hall with rustling skirts, **and** scrawled the note, gloves on”. Худди шу гап ўзбек тилига таржимада куйидагича берилган: “Керри кўйлагини шитирлатиб, майдончадан ўзининг квартирасига ўтди-**да**, кўлқопини ечмай хатни қоралади”. Ушбу парчада инглиз тилидаги “**and**” боғловчиси ўзбек тилидаги “-**да**” юкламаси билан таржима қилинган. Турли тизимга мансуб инглиз ва ўзбек тилларида бу грамматик бирликлар шаклан ҳар хил бўлса-да, грамматик вазифасининг мувофиқ келиши жиҳатидан таржимада бири иккинчисига ўрин бўшата олади.

Инглиз тилида “**and**” боғловчиси уюшиқ сўзларни боғлаб келса, ундан олдинги сўздан кейин ёки ундан сўнг келган сўзининг олдидан вергул кўйилмайди. Аммо қўшма гап қисмларини боғлаб келганда ундан олдин вергул кўйилиши мумкин: “Kicked his legs to straighten his trousers, **and** seized his clean yellow grip.(P.8). – “Ҳар маҳалгидай, оёқларини чўзиб, шимини тўғрилади-**да**, покиза сариқ чамадонини ердан узди. (Б.15).

Ўзбек тилида эса унинг муқобили бўлган **ва** боғловчи бу ишни бажарса, вергул кўйилмайди: Чой қайнади **ва** келин чойни дамлаш учун ўрнидан кўзғалди.

Юклама бўлса, юкламадан сўнг вергул кўйилади: Чой қайнади-**ю**, келин чойни дамлаш учун ўрнидан кўзғалди.

Инкор юкламаси *на...на* гап таркибидаги уюшиқ бўлаклар ёки қўшма гап таркибидаги айрим содда гаплар олдида такрорланиб келиб, уларни инкор маъносида ўзаро боғлашга хизмат кўрсатади. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ҳолатни ҳам ўзбек, ҳам инглиз тиллари мисолида кузатиш мумкин. Масалан: “Бийдек далада ёлғиз ўзи турган, атрофида **на** девори, **на** ихотаси бўлган ва гўё яқинлашиб келаётган уйлар армиясининг дозорчилариdek туюлган икки қаватли ёғоч иморатлар тез-тез кўрина бошлади”. (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 14). – “Frequently there were two-story frame houses standing out in the open fields, **without** fence **or** trees, lone outposts of the approaching army of homes. (Th.D. Sister Carrie, 7) На-на **without ...or** билан берилган”.

Келтирилган парчаларнинг аслиятида инкор маъноси **without /or** бирликлариорқали берилган бўлса, шу бирликлар ўзбек тилига **на/на юкламаси** воситасида ўгирилган.

Ўзбек тилида юкламалар аралаш типдаги қўшма гап қисмларини боғлашда ҳам иштирок этиши маълум. Кўйидаги гап таржимаси айнан шу шаклда таржима қилингани билан эътиборни торта олади: “It was, nevertheless, her guiding characteristic”. (Th.D. Sister Carrie, 3). – “Унинг худбинлиги ҳам табиатига монанд бўлиб, гарчи аник-равшан сезилиб турмаса-да, ҳар қалай, табиатининг асосий белгиси деб ҳисобласа бўларди”. (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 6).

Кўриняптики, аслиятда мураккаб бўлмаган гап тури таржимада боғланиш ва эргашиш йўли билан мураккаблашган ҳолда тузилган аралаш гап кўринишини олган. Бунда яна аслиятдаги ***nevertheless*** бирикмаси таржимада “турмаса-да” кўринишида берилган. Чунки уларнинг ҳар иккалasi ҳам тўсиқсизлик маъносини англатиб келади. Қолаверса, ***nevertheless*** бирикмаси ўзбек тилига “***шунга қарамай, -га қарамасдан, бўлмаса ҳам, шундай бўлса-да***” тарзида ўгирилиши мумкинлиги таржима лугатларида ҳам қайд қилинган.

Умуман айтганда, ўзбек ва инглиз тилларида юклама ва боғловчиларнинг гап турларини ҳосил қилишдаги иштирокига қараб, гап турларини белгилаб кўрсатиш мумкин. Жумладан: “As the morning wore on the room became hotter”. (Th.D. Sister Carrie, 30). – “Вақт ўтгандан ўтар, хонанинг ҳавоси ҳамтобора айниб борарди”. (Т.Д. Бахтиқаро Керри, 44).

Ушбу мисолнинг аслияти содда гап кўринишида эканлиги кўриниб турибди. Шундай бўлса-да, у таржимада қўшма гап шаклига солинган. Унда “As” сўзи **ҳам** юкламаси билан берилмоқда.

Шунингдек, as ... as ... қолипидаги гапларда бу тақрорланиб келаётган бирликлар *худди* аниқлов юкламаси маъноси ва вазифасини билдириб келади. Масалан: *She is as beautiful as her mother.* (Таржимаси: У *худди* онасидай чиройли.)

Инглиз тилида *as if* қолипи кузатиладиган гапларда ҳам *худди* аниқлов ҳамда гўёки ўхшатиш юкламаларининг маъноси ва вазифаси намоён бўлади: *He speaks as if he were my elder brother.* (Таржимаси: Унинг сўзлаши *худди* менинг катта акамнинг сўзлашига ўхшайди).

Инглиз тилида *if* сўзи маъноси ва вазифаси жиҳатидан ўзбек тилидаги – ми сўроқ юкламасининг маъно ва вазифасига мос келади. Масалан: *We don't know if he will help us or not.* (Таржимаси: У бизга ёрдамлашадими ёки йўқми, билмаймиз). Ёки яна: “*He asked me if I liked or not.*” (Таржимаси: У мендан ёқтираманми-йўқми, шуни сўради).

Инглиз тилида *both ... and ...* қолипидаги гапларда бу бирликларнинг худди ўзбек тилидагидай **ҳам** юкламаси тақрорланишидан ҳосил бўладиган **ҳам...ҳам** кўринишидаги айирув боғловчиси вазифасини идрок қилиш мумкин. Мисол учун: *Both you and your friend must do this work.* (Таржимаси: Сизҳам, ўртогингизҳам бу ишини бажаришингиз керак.)

Юқоридаги икки мисол шуни кўрсатиб турибдики, юкламаларни таржима жараёнида сақлаш ҳам мумкин, ҳам мумкин эмас. Сақланса, гапнинг тузилиши ўзгариши мумкин. Содда гап қўшма гапга айланади.

Одатда, мустақил туркумдаги сўзларга, камдан-кам ҳолатларда кўмакчиларга қўшилиб, уларга қўшимча маъно бериш, тенг боғлаш учун хизмат қиласи. Юкламалар боғлайдиган сўзлар, албатта, аташ маъносига эга лугавий бирликлардан иборат бўлади. Шунингдек, юкламалар бириктирув муносабатли ҳамда аралаш типдаги қўшма гап қисмларини ҳам ўзаро тенг боғлаб, маъносига қўшимча маъно юклайди. Бу уларнинг асосий вазифаси бўлиб, сўз ва гапларни ўзаро боғлашда боғловчи билан вазифадошлик ҳосил қиласи. Худди мана шунинг учун, яъни сўзга (гап бўлагига) ёки гапга қўшимча маъно юклаши эътиборга олиниб, уларга нисбатан “юклама” термини қўлланади.

Хуллас, инглиз тилида боғловчилар юкламаларга нисбатан катта ўрин тутади. Улар гап бўлаклари, қўшма гап қисмларини ўзаро тенг ёки тобе боғлашга хизмат қиласи. Шунинг учун тенг ва тобе боғланиш турларини фарқлаш, гапларни маъносига кўра боғлаб келтириш учун боғловчиларнинг маъно ва вазифасига кўра турларини билиш зарур ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Т.: Фан, 1987. – 88 б.

2. Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Т.: Фан, 1981. – 60 б.
3. Бақоева М. Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеърий таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. – Т.: Фан, 2015. – 288 б.
4. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан, 1985 – 214 б.
5. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Т.: 1973. – 70 б.
6. Виноградов В.С. Введение в переводоведение. – М.: Изд-во ИОСО РАО, 2001. – 224 с. Йўлдошев Б. Тилнинг ижтимоий моҳияти. – Самарқанд: СамДУ, 2012. – 160 б.
7. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Талқин, 2005. – 272 б.
8. Зияев А. Инглиз тилида сўз маъноларини кучайтиришнинг когнитив талқини. – Фарғона, 2011. – 76 б.
9. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон,
10. Langacker R.W. Foundations of Cognitive Grammar. Vol. I-II Stanford – California: Stanford University Press, 1987. – 540 p.
11. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 88 б.
12. Levinson, Stephen C. Pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1983. – 220 p.
13. Пардаев А.Б. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: Филол фан. докт...дисс. – Тошкент, 2017. – 262б.
14. Раҳимов У.Э. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994.

# СҮЗ САНЬАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Исломов Икром Хушбоқович,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,  
Карши давлат университети тадқиқотчси  
E-mail:ikrom75islom@gmail.com

## ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ МИЛЛИЙ КОРПУСИДА ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАРНИ БЕРИШ МАСАЛАСИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-4-49>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек тилининг географик терминларини ўзбек тилининг миллий корпусида жойлаштириш, терминларни семантик теглаш, лексикографик базасини яратиш масалалари хусусида фикр юритилган. Шунингдек, ўзбек тилининг изоҳли луғатига киритилмаган сўз/бирикмаларни маълумотлар базасига киритиш, уларни географик термин сифатида теглашга доир тавсиялар, географик терминлар семантик таҳлили учун терминлар рўйхати, маълумотлар базаси, семантик тегларидан иборат тизим ишлаб чиқилган. Ўзбек тили миллий корпусининг географик терминлари лингвистик таъминоти бўла оладиган лексикографик маҳсулотлар сифатида изоҳли, соҳавий, таржима луғатлари қайд қилинган. **Калит сўзлар:** тил корпуси, географик термин, семантик тег, лексикографик база, изоҳли луғат, семантик таҳлил, терминлар рўйхати, сўзлик.

**Islamov Ikrom Khushbokovich,**  
Doctor of Philosophy in Philology, PhD.  
Karshi State University is a freelance researcher  
Email: ikrom75islom@gmail.com

## THE ISSUE OF GIVING GEOGRAPHICAL TERMS IN THE NATIONAL CORPUS OF THE UZBEK LANGUAGE

### ABSTRACT

This article discusses the entry method of geographical terms into the Uzbek language corpus, tagging terms semantically, the design of a lexicographic database. Moreover, a list of terms for the semantic analysis of geographical terms, its database, semantic tagging, recommendations for words/compounds which were not included in the dictionary of the Uzbek language was designed as a system. Dictionaries aimed at explanatory, sectoral, translation domains are noted as lexicographic products, which can serve as a linguistic support for the geographical terms of the national corpus of the Uzbek language.

**Keywords:** language corpus, geographical term, semantic tag, lexicographic database, annotated dictionary, semantic analysis, list of terms, dictionary.

**Исламов Икром Хушбокович,**

PhD (доктор философии по филологическим наукам),

соискатель Каршинского государственного университета

Email: ikrom75islom@gmail.com

## ВОПРОС О ПРЕДОСТАВЛЕНИИ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ В НАЦИОНАЛЬНЫЙ КОРПУС УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

### АННОТАЦИЯ

В этой статье обсуждается метод ввода географических терминов в корпус узбекского языка, семантическая маркировка терминов, дизайн лексикографической базы данных. Более того, перечень терминов для семантического анализа географических терминов, его база данных, семантические теги, рекомендации по словам / соединениям не вошедшим в словарь узбекского языка, были разработаны как система. Словари, ориентированные на пояснительную, отраслевую, переводческую области, отмечаются как лексикографические продукты, которые могут служить лингвистической поддержкой географических терминов национального корпуса узбекского языка.

**Ключевые слова:** языковой корпус, географический термин, семантический тег, лексикографическая база данных, аннотированный словарь, семантический анализ, список терминов, словарь.

Ўзбек тилининг географик терминологияси ўзбек тили лексик тизимида алоҳида микротизимни ташкил этиб, ўзига хос таркибга эга. Ўзбек тилининг географик терминларини ўзбек тилининг миллый корпусида акс эттириш масаласи долзарб вазифалардан биридир. Географик терминлар бўйича маҳсус тадқиқ этилган ишлар анчагина. Бу ишларнинг натижа ва хуносаларидан ўзбек тили географик терминларини семантик теглашда фойдаланиш лозим.

Ўзбек тилидаги географик терминлар бўйича қатор луғатлар яратилган. П.Ғуломовнинг “Жуғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати”[8], Т.Нафасовнинг “Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати”[2] ҳамда “Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи”[3] китоби, С.Қ.Қораевнинг “Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати”[7], Э.Мурзаевнинг “Словарь народных географических терминов” луғати[5], Мирортиқ Мирабдулла ўғлининг “Жуғрофий атамалар луғати”[6] шулар жумласидан.

П.Ғуломовнинг “Географиядан қисқача русча-ўзбекча терминлар ва тушунчалар луғати”[8] ҳам ўзбек тили миллый корпусининг географик терминлар сирасини тўлдиришда лексикографик таъминот вазифасини бажаради. Ушбу манбадан лингвистик таъминот сифатида фойдаланишга асос бўлувчи омил сифатида шуни кўрсатиш мумкин. Ушбу луғат таржима луғат саналиб, йўналиши русча → ўзбекча. Маълумки, географик терминлар ҳам байнамилллик хусусиятига эга. Бу луғатда рус тилидаги терминлар ўзбек тилига бирикма сифатида таржима қилинган ҳолатлари кўп бўлиб, табиийки, ўзбек тилининг изоҳли луғатида сўз бирикма шаклидаги бу бирикмалардан айримлари ифодаланмай қолган.

Географиядан қисқача русча-ўзбекча луғат[9]га ҳозирги вақтда энг кўп қўлланилаётган термин ва тушунчалар киритилган. Русча термин ҳамда тушунчаларнинг ўзбекча муқобилини топиш ҳамда танлашда қуидаги манбалардан фойдаланилган:

1. Шу вақтгача нашр этилган луғатлар.
2. Русча-ўзбекча луғатлар.
3. Нашр этилган география дарсликлари.
4. Муаллиф илмий саёҳатларида тўплаган маҳаллий терминлар.
5. Вақтли матбуот маълумотлари.
6. Айрим терминлар бевосита таржима қилиб олинган.

Луғатда баъзи терминлар фақат бир вариантда берилмай, уларнинг бир неча варианти келтирилган, айрим термин ва тушунчаларга қисқа изоҳлар ҳам берилган. Луғат 2000 термин

(сўз ва бирикма)ни қамраб олган. Юқоридаги фикримизни далиллаш учун айрим мисолларни жадвал шаклида келтирамиз.

Абрация	қирғоқ емирилиши
Аномалия	нормал ҳолатдан оғиши
Балка	ясси жар
Биота	жониворлар туркуми
Ванна	берк ботик
Вертикаль	түш чизиги текислиги
Амплитуда	тафовут, фарқ
гидрометрия	гидрометрия, қуруқлик гидрологияси тармоғи
гидрология	гидрология, сув ҳақидаги фан

Жадвалдаги сўз ва унинг таржимаси/изоҳидан кўриниб турибдики, терминларнинг айримлари бир сўз билан, баъзилари сўз ва сўз бирикмаси билан, баъзи бирлари фақат бирикма билан ифодаланган. Луғатда мавжуд ҳайвонот географияси, маданият географияси, саноат географияси, динлар географияси, табиий бойликлар географияси, шаҳарлар географияси, истеъмол географияси, алоқалар географияси, хизмат қўрсатилиш географияси, транспорт географияси, меҳнат ресурслари географияси каби терминлар бирикма шаклидаги терминлар бўлиб, улар, табиийки, ўзбек тилининг изоҳли луғатида алоҳида кўрсатилмаган. Булардан айримларини луғат мақоласи таркибида лексеманинг боғланувчилари сифатида кўришимиз мумкин. Шу сабабли бу луғат таркибида мавжуд бўлиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатига киритилмаган сўз/бирикмаларни маълумотлар базасига киритиш, уларни географик термин сифатида теглаш лозим. Маълумотлар базаси қанча катта бўлса, миллий корпусда бирликлар қидируви натижаси шунча кўп бўлади. Ушбу луғат ичидан 345 та шундай бирлик ажратиб олиниб, терминологик ахборотлар базасига киритилди.

Ўзбек тили миллий корпусининг лингвистик таъминоти бўла оладиган лексикографик маҳсулотлардан яна бири З.Дўсимов, Х.Эгамов ҳаммуаллифлигидаги “Жой номларининг қисқачи изоҳли луғати”[1]дир. Луғат сўзбошисида географик номларнинг келиб чиқиши ҳакида муаллифлар шундай ёзишади: “Ҳар бир жойнинг ўз тарихи бор. Улар халқ хаётининг турли томонларини ўзларида акс эттирадилар. Номлар кўпинча шу территорияда яшаган халқ ҳаёти, шарт-шароити билан боғлиқ ҳолда содир бўлади... Ёки Ўзбекистоннинг деярли барча областларида учрайдиган Дўрмон номини олайлик. Бу топоним ҳам ўзбек халқининг бир уруғи номи билан боғлиқ бўлиб, мўғулча “тўрт” демакдир. Қадимда шу уруғ қабилаларининг кўчиб юриши натижасида уларнинг номи билан аталадиган жойлар вужудга келган. Номларнинг аксарияти мазкур жойнинг географик тузилиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Масалан, Шахрисабз “кўк шаҳар”, яшил шаҳар”, “боги кўп шаҳар” деган маънони берса, Сибир топоними “ботқоқлик”, “зах жой” демакдир. Кўпинча номлар шу жойда яшайдиган халқнинг касби, машғулоти, хунари кабиларни ҳам маълум даражада акс эттиради. Шунинг учун кўп шаҳарларда Дўппичи, Темирчи, Заргарлар, Дарбозлар каби ўнлаб маҳалла номлари учрайди. Бинобарин шундай экан, географик номлар “ўлик” сўзлар эмас, балки замирида халқ ҳаёти, тарихи, тили ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб сирларни асрәётган хазинадир”[1. 4].

Бу луғатнинг лингводидактик аҳамияти хусусида муаллифлар шундай ёзишади: “Номларнинг асл мазмунини билиш, уларнинг келиб чиқиши, тузилишини ўрганиш мактабда ўқув ва ўқитиши процессида ҳам мухим аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўқиши процессида кўпгина географик номларга дуч келадилар. География, она тили, адабиёт дарсларида номларнинг маълум обьект билан боғлиқлиги ҳамда уларнинг ёзилиши ҳакида дастлаб тушунчага эга бўладилар. Жой номлари этимология ва сўз ясалиши ҳакида бой маълумотларни ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун ўқувчиларга чуқур билим беришда топонимларнинг роли катта. Дарс жараёнда географик карталардаги номлар, тарихий воқеалар билан боғлиқ номлар ёки маҳаллий географик номларнинг этимологияси билан таништириб бориш ўқувчиларда, биринчидан, географик ном ёки терминнинг эсда қолишида ёрдам берса, иккинчидан, сўз ясалиши ҳакида маълумот берга олади”[1. 5].

Аммо бу лугатни ҳам тўғридан-тўғри маълумотлар омборига экспорт қилиш тўғри эмас. Лугатда, муаллифлар ўзлари таъкидлаганидек, Ўзбекистон худудидан ташқарида бўлган жой номлари ҳам мавжуд. Шунинг учун лугатдан фақат Ўзбекистон худудидаги жой номларини саралаш керак.

*Алан қалъа – қўргон. Қозогистон ССР, Манғишилоқ ярим оролида. Топоним ҳозирги осетин ҳалқининг аждодлари бўлган алан қабиласининг номи билан боғлиқ... Алан сўзи билан боғлиқ топонимлар Бухоро, Хоразм обласларида, шунингдек, Туркменистан ССРнинг Тошовуз областида ҳам учрайди. Аммо уибу топонимларнинг ҳаммасини алан этноними билан боғлиқ, деб бўлмайди. Чунки М.Қошгариининг ёзишича, қадимги туркий тилларда алан сўзи бўлган ва у яланг, текис маъноларини берган[1. 12].*

Лугат мақоласидан кўриниб турибиди, матнни шу ҳолида маълумотлар омборига киритиб бўлмайди: матн жиддий таҳхирни талаб этади. Зоро, айрим историзм ва архаизмлар учрайдики, бу матнни ҳозирги ўзбек тили адабий меъёрида қайта таҳхирлашга зарурат борлигини билдиради. Маълумотлар омборида бундай бирликлар – топонимлар алоҳида белги, яъни топоним теги билан ажратилади. Ушбу лугатдан олинадиган материал маълумотлар омборига қўйидаги кўринишда киритилиши мумкин:

№	Сўз	Махсус помета	Семантик гурух	Семантик тўда	Изоҳ
1	Алан қалъа	топоним	Жой номи	Қўргон	<i>Қозогистон ССР, Манғишилоқ ярим оролида. Топоним ҳозирги осетин ҳалқининг аждодлари бўлган алан қабиласининг номи билан боғлиқ... Алан сўзи билан боғлиқ топонимлар Бухоро, Хоразм обласларида, шунингдек, Туркменистан ССРнинг Тошовуз областида ҳам учрайди. Аммо уибу топонимларнинг ҳаммасини алан этноними билан боғлиқ, деб бўлмайди. Чунки М.Қошгариининг ёзишича, қадимги туркий тилларда алан сўзи бўлган ва у яланг, текис маъноларини берган</i>
2	Мурунтов	топоним	Жой номи	Тоғ	<i>Бухоро областида. Мурун ёки Бурун сўзи географик термин бўлиб, деярли барча туркий тилларда учрайди. Бу тумшиуқ ёки тоғнинг туртиб чиққан жойидир. Русча Нос, туркча Мурун, Бурун, монголча хошу, чукотча екаак ва бошқа тилларда ҳам бурун маъносида қўлланади. Мурунтов “тоғ тизмасининг бўртиб чиққан бўлаги”дир.</i>

Географик терминлар маълумотлар базасининг топонимлардан ташқил топган бу қисмини шу шаклда бошқа лугатлар билан тўлдириш мумкин.

Н.Охуновнинг “Жой номлари таъбири” луғати [4] ҳам ўзбек тили миллий корпусининг географик терминлар базаси топоним сўзлар сирасини тўлдиришда лексикографик таъминот бўла олади. Муаллиф луғат сўзбоисида унда келтирилган бирликларга умумий ҳолатда қўйидагича таъриф беради: “Жой номлари кўп ва хилма-хил. Жой номларига аҳолининг яшаш масканлари, сувликлар, ер юзалари номлари киради. Ўрмон, тўқай, сахро, яйлов, йўл, дала, дашт номлари ҳам жой номлари ҳисобланади. Аҳоли яшайдиган жойларнинг номлари фанда ойконимлар, сувликлар номи гидронимлар, ер юзаларининг номи оронимлар, ер, дала номлари агронимлар, йўл, сўқмоқ номи драмонимлар номи билан юритилади”[4. 3] Бу таърифдан маълум бўладики, ушбу луғатдаги сўзларга топонимнинг қайси тури эканлиги ҳақида алоҳида маълумот келтирилган. Шу сабабли маълумотлар базасига яна бир тег қўшилади ҳамда маълумотлар базасининг қўйидагича бўлади:

№	Сўз	Махсус помета	Семантик гурух	Семантик тўда	Изоҳ
1	Авшар	ороним	Жой номи	қишлоқ	Хоразм вилоятининг Ҳазорасп ва Бофот районларидағи қишлоқлар номи. М.Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида бу сўз афшар шаклида учрайди ва у ўғуз қабилаларидан бирининг номи сифатида тилга олинади.
2	Бойтакўприк	ороним	Жой номи	маҳалла	Қўқон шаҳридаги маҳалла. Асли Бойбўтакўприк бўлган. Кўприкни қурдирганд Бойбўта исмли шахс номи билан аталган.
3	Дашт	ороним	Жой номи	Маҳалла/ қишлоқ	Экин экилмай ётган, сувсиз, тош-шагалли ер, дала. Шундай жойларда ташкил топган аҳоли турар жойларидан баъзилари-нинг номланишига ушбу сўз асос бўлиб хизмат қилган. Даштқишлоқ, Даштмаҳалла, Даштқўргонча, Даштак...

Ўзбек тили корпушларида сўзнинг семантик маъноси ҳақида ахборот берувчи ўзбек тили семантик маълумотлар базаси тайёрланишига эҳтиёж мавжуд. Бундай катта маълумотлар базасини ишлаб чиқиши битта тадқиқот доирасида амалга ошириладиган иш эмас. Бинобарин, ўзбек тили бирликларининг семантик маълумотлар базаси бир неча блокдан иборат бўлиши ҳар бир семантик майдон ва сўзнинг турли семантик хусусиятлари учун алоҳида тадқиқот предмети бўлишини тақозо этишини таъкидлаш зарур. Шу заруратдан келиб чиқсан ҳолда, ўзбек тили географик терминларининг ўзбек тили миллий корпусида берилишининг назарий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда географик терминларнинг маълумотлар базасини яратиш масалаларини ёритиши алоҳида вазифа сифатида белгиланади.

Назарий манба ҳамда лингвистик корпуслар хусусиятларини ўрганишимиз асосида корпус семантик разметкаси учун лингвистик таъминот сифатида қуидагиларни ажратиш лозим деган холосага келдик:

1. Сўзлик.
2. Семантик лугат ёки семантик маълумотлар омбори.
3. Семантик разметканинг лингвистик моделлари.
4. Семантик теглар тўплами.
5. Кўпмаънолилик ва омонимликни фарқлаш фильтри.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, географик терминлар семантик таҳлили учун қуидаги маълумотлар тизимини ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Географик терминлар рўйхати – сўзлик.
2. Географик терминлар маълумотлар базаси.
3. Географик терминлар семантик теглари тизими.

Миллий корпус учун географик терминларнинг “Географик атамалар” базаси яратилиб, уларга семантик теглар бириттирилади. Шу параметрлар асосида миллий корпус семантик қидируви учун қидирув белгилари аниқланади. Бу эса ўзбек тилининг географик терминларини ўзбек тили миллий корпусида жойлаштириш масаласининг ечимиға доир амалий натижаларни тақдим қиласди, деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 176 б.
2. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 288 б.
3. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. – Тошкент, 1985.
4. Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 88 б.
5. Мурзаев Э. Словарь народных географических терминов. – М.: Мысль, 1959. – 633 с.
6. Мирортиқ Мирабдулла ўғли. Жуғрофий атамалар лугати. – Тошкент: Фан, 1992. – 56 б.
7. Қораев С.Қ. ва бошқ. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 156 б.
8. Гуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
9. G‘ulomov P.N. Geografiyadan qisqacha ruscha-o‘zbekcha terminlar va tushunchalar lug‘ati. – Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2013. – 80 b.

# СҮЗ САНЬАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Хамирова Муборак Ҳафизовна

Докторант

Бухоро давлатуниверситети

muborakhafizovna@gmail.com

## ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АНЕМОНИМ ВА МЕТЕРИОНИМЛАР



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-4-50>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада француз ва ўзбек тилларида анемоним ва метерионимлар ўрганилган. Уларнинг бадиий асарларда қўлланилиши ва лексик шакллари ҳақида фикрлар келтирилган. Бундай сўзлар ўзига хос мураккаб тизимга эга. анемоним онималарнинг бир тури бўлиб, табиий оғат, шу жумладан, шамол, довул, тўфон кабиларнинг номларини атаб келади. Уларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига оид маълумотлар келтирилган ва булар илмий асосланган. Француз ва ўзбек тилларидағи анемоним, метероним ҳамда деопоэтонимларнинг даражаланиш қаторини семантик нұқтаи назардан тўғри илмий ҳал этиш орқали уларнинг изоҳли ва даражали, идеографик луғатларини тузишга тўғри келади.

**Таянч сўзлар:** деопоэтоним, анемоним, метерионим, шамол, семантика, табиат, ҳодисалари, ёмғир, табиий оғат, бадиий матн, моносемантик муносабатлар, табиат.

Хамирова Муборак Ҳафизовна

Докторант Бухарский

государственный университет

muborakhafizovna@gmail.com

## АНЕМОНИМЫ И МЕТРОНИМЫ НА ФРАНЦУЗСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье исследуются анемонимы и метронимы на французском и узбекском языках. Даны размышления об их применении и лексических формах в произведениях искусства. У таких слов очень сложная система. аноним - это тип аниме, который происходит от названий стихийных бедствий, включая ветер, ураган и наводнение. Предоставляется информация об их происхождении и развитии, и они научно обоснованы. Необходимо создать их толково-иерархические, идеографические словари семантически правильного научного решения ряда иерархий анемонимов, метронимов и деопоэтонимов на французском и узбекском языках.

**Ключевые слова:** деопоэтоним, анемоним, метерионим, ветер, семантика , природных явления, дождь, стихийное бедствие, художественный текст,, моносемантические отношения, природа.

**Khamidova Muborak Hafizovna**

Doctoral candidate

Bukhara State University

muborakhafizovna@gmail.com

## ANEMONYMS AND METRONYMS IN FRENCH AND UZBEK LANGUAGES

### ANNOTATION

This article explores anemonyms and metronyms in French and Uzbek. Thoughts on their application and lexical forms in works of art are given. Such words have a peculiarly complex system. An anonym is a type of anime that comes from the names of natural disasters, including wind, hurricane, and flood. Information on their origin and development is provided and these are scientifically based. It is necessary to create their explanatory and hierarchical, ideographic dictionaries of semantically correct scientific solution of a series of hierarchies of anemonyms, metronyms and deopoetonyms in French and Uzbek languages.

**Key words:** deopoetonym, anemonym, meteronym, wind, semantics, natural phenomena, rain, natural disaster, literary text, monosemantic relations, nature.

Барча тилларда бўлгани каби ўзбек тилида ҳам табиий оғатлар номини ифодалаб келувчи маҳсус лексика шаклланган. Улар “**анемонимлар**” деб юритилади. Анемоним грекча – “шамол” дегани бўлиб, бадиий матнда қўлланилган табиат ҳодисасининг номини англатади. Масалан, Ава бўрони, Глория тўфони каби.

Анемонимлар ҳам ономастик бирликлардан бири бўлиб, сўз ва сўз бирикмаси, баъзан гап қўринишида учрайди. Анемонимлар табиий оғат номларини атаб келиб, уларнинг бошқа табиат ҳодисаларидан индивидуаллигини, ўзига хос белгиларига кўра алоҳида қайд этилишини (идентификацияланишини) англатади.

Анемонимлар инсон ҳаёти учун хавф-хавотир соладиган табиий ҳодисаларнинг номи хисобланади. Бундай сўзлар ўзига хос мураккаб тизимга эга. Уларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига аждодларимизнинг яйлов чорвачилиги, дехқончилик билан боғлиқ турмуш тарзи асосий омил бўлган. Дастрлаб қўчманчи чорвадорлик, кейинчалик ўтрок дехқончилик билан мунтаззам шуғулланиб келган аждодларимизнинг жисмоний ва иқтисодий фаолияти кўпинча очиқ ҳавода кечганлиги туфайли ҳар томонлама хавфли айрим табиий ҳодисалардан эҳтиёт бўлишга, уларнинг фаслларга қараб ритмик такрорланиш мавсумини билишга ва белгилаб олишга ҳаракат қилганлар. Шу асосда тилимизда *шамол*, *қор*, *ёмғир*, *кўчки*, *туман* ва ҳоказо каби турли табиат ҳодисалари номини ифодаловчи сўзлар пайдо бўлган. Масалан, тилимизда шамолни тури, ҳолати, йўналиши, эсиш ўрни ва тезлигига кўра номлашдан ҳосил бўлган *шабада*, *ел*, *насим*, *бўрон*, *тўфон*, *довул*, *елvizak*, *гармсел*, *қуюн*, *тўзон*, *изгирин* сингари қатор лексик бирликлар мавжуд. Улар орасида шамол сўзи доминанта сифатида намоён бўлади.

Ўзбек тилида шамолларнинг номлари кўпинча аниқловчи орқали содда ва мураккаб қўринишидаги аниқловчили бирималар орқали қўлланиши кўп кузатилади:

Содда сифатловчи аниқловчили биримка қўринишида	Мураккаб сифатловчи аниқловчили биримка қўринишида	Содда қаратқич аниқловчили биримка қўринишида	Мураккаб қаратқич аниқловчили биримка қўринишида
бебош шамол	аччиқ совукли бўралаган шамол	Афғон шамоли	баҳорнинг эрка шамоли
безовта шамол	бемаҳал эсган шамол	баҳор шамоли	кеч кузнинг аччиқ шамоли

бўйдоқ шамол	боғма-боғ ошиб эсаётган шамол	вентелятор шамоли	тонгнинг тароватли шамоли
ваҳший шамол	енгил оромбахш шамол	газнинг шамоли	
гув-гув шамол	илиқ ғарбий шамол	даврлар шамоли	
дайди шамол	ичкарига урган шамол	дала шамоли	
енгил шамол	майин эсаётган шамол	дарё шамоли	
ёвуз шамол	нафасни қайтарадиган шамол	дашт шамоли	
ёқимли шамол	ногоҳ қўпган ваҳший шамол	денгиз шамоли	
ёқимсиз шамол	очиқ эшикдан эсган шамол	йиллар шамоли	
жинни шамол	салқин нам шамол	куз шамоли	
заарали шамол	тўсатдан эсган шамол	кузак шамоллари	
илиқ шамол	ташқаридан эсган шамол	мезон шамоли	
иссиқ шамол	тўсатдан турган шамол	субҳидам шамоли	
кечки шамол	хафиф бир шамол	тақдир шамоли	
кечаги шамол	ўралиб ҳаракат қилувчи кучли шамол	тонг шамоли	
кучли шамол	Қибладан эсган шамол	тоғ шамоли	
майин шамол	қум аралаш буралиб кўтарилиувчи қаттиқ шамол	шамол тегирмони	
муздек шамол	қутириб эсган шамол	шамол эрозияси	
мавсумий шамоллар	Ғарбдан эсган шамол	шамол тўлқини	
нам шамол	«ғир» этган шамол	шамолнинг босилиши	
намхуш шамол		шамолнинг зўрайиши	
оромбахш шамол		шамолнинг йўналиши	
салқин шамол		шамолнинг кучайиши	
совуқ шамол		шамолнинг кучи	
тентак шамол		шамол оқими	
тўлқинли шамол		шамолнинг тиниши	
уюрма шамол		шамол туриши	
шарқий шамол		шамолнинг тўзғитиши	

шимолий шамол		шамолнинг тўхташи	
шиддатли шамол		шамолнинг шиддати	
эрталабки шамол		шамолнинг чайқатиши	
ўткинчи шамол		шамолнинг кудрати	
қайноқ шамол		шамолнинг кутуриши	
қаттик шамол		шамол қўзғалиши	
куруқ шамол		шамолнинг ҳуштаги	
кутурган шамол		шимол шамоли	
куюнли шамол		чўл шамоли	
ғир-ғир шамол		юрт шамоли	
ғуриллаган шамол			

Шамолнинг табиий офат сифатида мавжуд бўлган бўрон, тўфон, довул сингари кўринишлари бўйича номланиши “анемоним” ҳисобланса, уларнинг кучига қараб номланиши “метеоним” саналади. Биргина метеоним шамолнинг иккита хусусиятини англатиб келиши мумкин.

Ўзбек метеонимлари атмосфера, унинг белги-хусусиятлари, табиий ритмига доир географик билимлар тизими мавжудлигини ўзида намоён этади.

Табиат фаслларининг номлари ва белгилари аниқ бўлгани каби ҳар бир фаслга хос табиий ҳодисаларнинг номлари ҳам аниқланган. Жумладан, қор, қирор, муз, совуқ, изгирип қиши фаслига, ҳазонрезги кузга, пиишиқчилик, гармсел ёзга, бойчечак ва лола униши эса баҳорга хос ҳодисалардир.

Эътиборли томони шундаки, ҳалқ орасида фаслларнинг умумий атамага айланган ўз номлари ҳам борки, улар замонавий номланишига тўлиқ мос келмайди. Масалан, баҳман, ялдо, аҳман-даҳман, қантар кабилар йилнинг энг совуқ даврларини англатиб, қиши мавсумининг декабрь-январь ойларига тўғри келади.

Метеонимлар қўпроқ тилда об-ҳавонинг ҳолатини, унинг булутилиқ, совуқ ёки илиқлиқ даражасини, атмосферанинг кўринишини, турли атмосфера ҳодисаларини акс англатувчи атама ва тушунчалардан иборат. Улар орқали тилнинг ўзига хос нозиклиги, одамларнинг теварак-атрофни кузатувчанлиги, оламни билишга қизиқуви, билиш қобилияти намоён бўлади.

Айтиш керакки, ўзбекона тил маданиятида шамоллар номларининг универсал ва ўзига хос хусусиятларини аниқлашга, атама ва номенклатура белгиларининг тушунчаларини фарқлашга эътибор азалдан кучли. Қолаверса, ҳозирги пайтда замонавий тильтунослик фани одамларнинг ўз атрофидаги воқеликни билиш хусусияти, ақлий фаолият механизмларига қизиқиши ортиб бораётгани туфайли янада ривож топиб бормоқда. Шунга кўра, тилимиздаги анемоним ва метеонимларнинг ўзига хос хусусиятларини турли тизимли тиллардаги худди шундай лисоний бирликлар билан қиёсий ўрганиш мумкин. Чунки таққосланадиган тиллар ҳамиша умумий универсаллардан ташқари ўзига хос бўлган белгиларни ҳам очиб беради.

Барча тилларда шамол турларини номлашда уларнинг номенклатура белгилари сифатида қўпроқ кучлилиги, тезлиги, барқарорлиги ва йўналиши эътиборга олингани кузатилади.

Л.З.Прох томонидан маҳсус “Шамоллар луғати” тузилган бўлиб, унда дунё шамолларининг 1405 номи дунёнинг 59 тилида 1845 та ёзувда қайд этилган. Шулардан энг кўпини француз тилидаги шамол номлари ташкил қилган. Ундан сўнгги ўринларни рус ва инглиз тилидаги шамол номлари эгаллаган.

Сир эмаски, ўзбек тилида шамолнинг *насим*, *шабада*, *тайфун* каби айрим номлари араб ва рус босқинчилари тилининг таъсирида ўзлашган.

Оlam манзарасини тўлиқ тасаввур қилишда шамоллар номларини билишнинг ўз аҳамияти бор. Бу ўринда яна тилнинг география, иқлим, этимология, тафаккур, атрофдаги ҳақиқат билан узлуксиз муносабатда эканлигини, яқинлигини ҳис этиш мумкин.

Шамол номланишларига ҳар бир минтақадаги атмосферанинг умумий ҳолати, мамлакатнинг жуғрофий жойлашуви, у ердаги дарё, денгиз ва океанлар, худуд рельефи ҳам таъсир кўрсатган. Шунингдек, бу яна шамол режимининг хилма-хиллигига ҳам боғлиқ.

Ўзбек элининг иқлими, жуғрофий жойлашуви, тоғ ва чўл зоналаридан иборатлиги, қишида қуруқ совуқ, ёзда иссиқ ҳаво оқими туфайли бу ердаги шамол номларида шу белгилар кўринади. Қолаверса, ўлкамизда кучли шамолубўронлар кўп ва доимий рўй бермайди. Чўлли худудларга нисбатан тоғли худудларда шамол кучли бўлмайди. Тоғлар уларни тўсиб қолади. Яна бундай жойларда намроқ иқлим кузатилади.

Шамоллар турли хил хусусиятларга кўра бир неча хил номлар билан кўрсатилади:

1. Кучига кўра шамол номлари: а) шиддатли, қўрқинчли, кучли эсувчи шамоллар: бўрон, тўфон, довул; б) кучсиз, сокин эсувчи шамоллар: шамол, шабада, ел, насим.

2. Кучининг давомийлигига кўра шамол номлари: кучли шамол, қаттиқ шамол, шиддатли шамол, яланғоч шамол.

3. Йўналишининг доимийлигига кўра шамол номлари: тоғ шамоли, чўл шамоли, дарё шамоли, денгиз шамоли, ўзгарувчан шамол.

Сувликлар (арик, дарё, денгиз, уммон) ўзан ва қирғоқларида шамолнинг икки тuri ажralиб туради: тўлқин шамоли, оқим шамоли каби.

Умуман айтганда, куч ва тезлик, давомийлик, йўналиш шамол номланишидаги асосий параметрлардир.

Шамолнинг кучи унинг тезлигига боғлиқ. Бу жиҳатдан у “кучли шамол” ёки “қаттиқ шамол” ҳамда “кучсиз шамол” каби икки мухолифат гуруҳда намоён бўлади. Улар яна кучининг доимийлиги ва давомийлиги параметрлари асосида довул, шабада, бўрон, қуюн, тўфон, тайфун ва бошқа шамол турларига ажратилади.

Шамолнинг йўналиши уфқа, Ер сайёрасининг қутбларига, дунё томонларига қараб белгиланади. Масалан, жанубдан эсган шамол, шимол шамоли, қибладан эсган шамол сингари ҳамда шарқдан эсаётган шамол, денгиздан эсаётган совуқ ва нам шамол каби.

Француз анемонимларини ўрганган Г.С.Доржиеванинг сўзларига кўра, шамолларнинг номлари нафақат минтақавий тилларнинг хилма-хиллиги ва ўзаро таъсирини, балки улар орасидаги яқин алоқани ҳам акс эттиради. Француз анемонимлари бу мамлакатнинг иқлими жуда хилма-хиллигини намоён этади. Бу эса унга хос жуғрофий жойлашув, рельеф, Атлантика океани ва Ўрта ер денгизи яқинлиги туфайлидир. Франция шартли равишда бешта – тоғли, шарқий, Ўрта ер денгизи, Атлантика, марказийиқлим зоналарига бўлинган. Мамлакат иқлимини белгилашда, табиийки, шамол йўналиши ва тезлиги ҳақидаги маълумот ҳам қамраб олинган. Чунки шамоллар ўзи билан бирга ҳаво массасини олиб келади.

Шамол барча табиий ҳодисалар ўртасида энг кенг тарқалгани билан эътиборни тортади. “Рус ономастик терминологияси луғати”да ҳам Н.В.Подольская табиий ҳодиса ва оғатлар номини ифодаловчи “анемоним” атамасининг бевосита юононча “анемос”, яъни “шамол” сўзидан олинганини қайд этади.

Хуллас, анемоним онималарнинг бир тури бўлиб, табиий оғат, шу жумладан, шамол, довул, тўфон кабиларнинг номларини атаб келади. Машхур рус лексикографи В.И.Даль ҳам шамолни ҳаракат, ҳаво оқими сифатида таърифлайди.

Француз тилида шамол йўналиши билан боғлиқ шакллантирилган бир қатор анемонимлар борки, уларнинг номлари ономастикада шу халқнинг этник маданияти, жойлашув ўрнига кўра ўзига хослик касб этади. Масалан, Норде (фр. nordet ёки nord-est) – Франциянинг узоқ шимолидаги совуқ ва қуруқ шимолий-шарқий шамол; Сюдуа (фр. sudois) – Женева қўлидан эсувчи жанубий-ғарбий шамол, Ван де севено (фр. vent de ceveno) – шарқдан, тоғдан эсувчи жанубий-шарқий шамол, Пти-сен-бернар (фр. petit St.-Bernard) – Кичик Санкт

Бернардан эсадиган кучли шарқий ёки шарқий-шымолий-шарқий шамол бўлиб, асосан, Изер дарёсимон йўналади. Серюз (фр. ceruse) – Сен-Рафаэль-Фрежю билан боғлиқ кучли шарқий-жанубий-шарқий шамол шулар жумласидандир. Бундан ташқари, яна шамолнинг пайдо бўлиш жойини акс эттирувчи Авал (vent d'aval) – қуи оқим шамоли, Амон (фр. vent d'amont) – юқори оқим шамоли, Мон (фр. mont) – тоғ довонидан келувчи шарқ шамоли, Монтань (фр. montagne) – Ломен жанубидан эсадиган шамол, Премонта (фр. premontais) – Сен-Жервенинг довул даражасидаги жанубий-шарқий шамоли, Ван (фр. vent) – жанубий ёки жанубий-ғарбдаги нам ҳаводан иборат кучли шамол кабилар.

Франция рельефининг ўзига хос хусусияти сабабли Бюес (фр. buesh), Валэ (фр. valais), Везин (фр. vesine) – водий шамоли; Марен (фр. marin), Маринада (катол. marinada) – денгиз шамоли; Морже (фр., нем. morget) – тунги қирғоқ шимолий шамоли; Понтиас – тунги тоғ этаги шамоли; Рузо (фр. rousseau) – Перти довонидан эсувчи тонги шарқий тоғ шабадаси ҳисобланади.

Келтирилган мисоллар шамолларнинг номлари келиб чиқишига ороним, ойконим, хороним ва гидронимлар ҳам таъсири қиласланнигни англатади.

Франция рельефининг ўзига хослиги, яъни турли пасттекисликлар, тоғ ва довонлар, денгиз, дарё ва кўллар қирғоқларининг бир-бирига туташишидан ҳосил бўлганлиги учун тез-тез эсиб турадиган маҳаллий шамолларнинг пайдо бўлишига қулай шароит яратган. Шунинг учун худудда денгиз, дарёлар ва уларнинг қирғоқлари шамолу шабадаси, тоғ шамоллари энг кенг тарқалган.

Француз тилида оронимик хусусиятли Альбертиль, Альбертиль (фр. albertville) – Албертиль водийсининг қуруқ шимолий-ғарбий шамоли; Арденн шамоли (фр. vent d'ardennes), Вож, вогез (фр. vosges) – Ненсидаги шарқий шамол каби номлар ҳам учрайди. Ўзбек тилидаги “афғон шамоли” ҳам худди шундай оронимик хусусиятли анемонимлардан биридир.

Шунингдек, француз тилида хоронимлардан, яъни Франция ва унга қўшни бўлган мамлакатларнинг номлари орқали ясалган анемонимлар ҳам учрайди, бунга Италия чегараларидан эсувчи Ван д'итали (фр. vent d'Italie), Испания номи билан боғлиқ Ван д'Эспань (фр. vent d'Espagne), Пруссия номига туташ Ван прюссъен (фр. vent prussien) шамоллари номини мисол қилиш мумкин.

Гренобль (фр. vent de Grenoble), Борделе (фр. bordelais), Авр (голл. abra “сув”) каби анемонимлар ойконим ва гидронимлар таъсирида келиб чиққани сезилади.

Анемонимларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар вақт тушунчаси билан боғланади. Жумладан:

1. Кун (сутка) вақти: тонг шамоли, эрталабки салқин шабада, кечки салқин шамол, тун шамоли каби. Француз тилида бу жиҳатдан Матиналь (фр. matinal – эрталабки) – тонгги совук ва қуруқ шарқ шамоли, Матиньер (фр. matinier) – эрталаб тоғ ёки дарё томонидан эсувчи совук ҳаволи шамол, Миджжорн (катол., прованс. mitgjorn) – куннинг ўртасида жануб томондан эсувчи мўътадил ҳолатдаги секин шамол, Миҷур, мъежур (фр. mieur) – нам жануб шамоли, Морже (фр., нем. morget) – тунда қирғоқ бўйида эсувчи шимол шамоли кабилар эътиборни тортади.

2. Фасл билан боғлиқ шамоллар: баҳор шамоли, Хут шамоли, ёз шамоли, куз шамоли, қиши шамоли каби. Француз тилида бу жиҳатдан Аль де марс (фр. haledemars) номли март-апрелда эсувчи шамол номи, Рюмилльян (фр. rummillien) – кузнинг илиқ ва ёмғирли, намчил шамоли, Суже (фр. soujet) – кузнинг тоза ҳаволи шамоли, Феклаз (фр. feclaz) – қиши шамоли, Турейо (фр. toureillo) – кучли баҳор шамоли номлари қўлланади.

Шамол номлари ҳарорат белгисига кўра *совуқ шамол, иссиқ шамол, илиқ шамол, этни жунжуктирувчи шамол* каби бирикмалар орқали ифода этилади.

Шамол номлари қуруқлик ёки намлик даражасига кўра ҳам фарқланади. Бунга кўра улар *қуруқ шамол, намли шамол, ёмғирли шамол, лойқали шамол, қумли шамол* тарзида ажратилади.

Яна тилда учрайдиган майин шамол, қаттиқ шамол, енгил шамол кабилар ҳам шамол хусусиятларини акс эттирувчи бирикма анемонимлардир.

Француз тилидаги Аруэрг, руерг (фр. arouergue, rouergue) – кучли иссиқ ва нам шамол, Аль де марс (фр. hale de mars) – қуруқ ва совук шамол, Аспр (фр. aspre) – юмшоқ ва майин, қуруқ шамол, Брамон (фр. bramont) совук шамолни, Бисорт (фр. bissorte) илиқ шамолни, Бюльби (фр. boulbie) – шимолдан эсувчи жуда кучли совук ва қуруқ шамолни, Бан де дарре (фр. bent de darre) – нам, ёмғирли ғарб шамолини аташга хизмат қиласади.

Шамоллар номланишида ранглар иштирокини ҳам қузатиш мумкин. Жумладан, қора шамол, оқ шамол, сариқ шамол каби. Қора шамол, одатда, шимолдан эсувчи қаттиқ совук шамолни англатади. Сариқ шамол эса қумни қўтариб эсувчи шамолга нисбатан қўлланади. Шунингдек, тошни жойидан силжитувчи, ўрнидан қўзгатиб олиб учувчи шамол тури ҳам мавжуд. Ўзбек тилида бундай шамол турига нисбатан “тошбўрон” номи қўлланади. “Тошбўрон” сўзи форс-тожикчатор + ёмғир сўзларининг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган қўшма от бўлиб, икки хил маънода қўлланади. 1. Кўчиб, бир-бирини суриб думалатиб, шиддат билан тушаётган тошлар оқими маъносида. 2. Қадимда айборд деб ҳисобланган кишини кўкрагигача ерга кўмиб, ҳар ёқдан тош отиб қатл қилиш усули; умуман, ҳар томондан тош ёғдириб жазолаш, уриш маъносидаги тарихий сўз сифатида.

Француз тилида Ван-блан (фр. vent blanc), Блан, ромьер (фр. blanc, ramier), Ван де ла пуссе (фр. vent de la poussee) кабилар оқ шамолни (тоза ва очик ҳаводан иборат илиқ ва қуруқ шамолни), Ван негр (фр. vent negre) ёки Ван нуар (фр. vent noir) қора шамолни, Рошбрюн (фр. rochebrune), Ор русс

(фр. aure rousse) – малла, сариқ шамолни, Ор русс (фр. aure rousse) – қизил шамолни билдириб келади.

Шамол – об-ҳаво ўзгаришларининг даракчисидир. У об-ҳаво ҳолатини кўрсатади. Шунга кўра, кўпинча бадиий адабиётда қаҳрамон яшаётган замон ва макон ҳолатини поэтик ифодалаш мақсадида шамол номларига, шамол семиотикасига мурожаат қилингани қузатилади.

Ижтимоий хаётда кучли шамолларнинг одамлар хаётига ҳавф солиши, вайронагарчиликларга сабаб бўлиши, ишлаб чиқариш жараёнига, хўжалик фаолиятига, айниқса, чорвага ҳамда дехқончилик ҳосилларига зарап етказиши маълум. У туфайли дарё ва денгизлар тошиши, сув омборлари вайрон бўлиши, ҳаво ва қуруқлик, сув транспорт воситалари издан чиқиши, фалокатга учраши ҳеч гапмас. Шунинг учун ҳалқ орасида шимолдан огоҳлантирувчи ёки шамол воситасида огоҳ этувчи мақоллар ҳам яратилган. Бунга “Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қўмирламайди”, “Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр”, “Шошган шамол билан баробар”, “Игна учидек тешикдан туюдек шамол киради”, “Шамолли кун қичқирма, товушинг зое кетади”, “Кўпллашиб туфлашса, шамол турғизади” кабиларни мисол қилиш мумкин.

Шамоллар инсон саломатлигига таъсир кўрсатиши туфайли “шамоллаш” касали юз бериши аниқланган. Лекин шамолларнинг фойдали томонлари ҳам мавжуд. Ўтмишда яратилган “шамол тегирмонлари” бунинг ёрқин далилидир. Ёзниг иссиқ кунларида эсан кучсиз ва заиф шамоллар ҳам инсон танасига ором баҳш этиши инобатга олинниб, шу тушунчалар асосида шамол берувчи бодбезак, вентилятор, конденционер каби асбоб-воситалар яратилган.

Шамол ҳаво экологиясига таъсир қилиниши инобатга олинниб, инсон яшайдиган хонасини тез-тез “шамоллатиб” туради.

Хуллас, ҳар бир тилдаги анемоним ва метеонимлар, асосан, маҳаллий аҳолининг кўп асрлик қузатувлари натижасида, теварак-атрофтабиий-иклим хусусиятларини инобатга олиб, улар ҳақида тўплаган билим ва тажрибаларини ҳаёт тарзи ва амалий меҳнат фаолияти билан боғлаб шакллантирилган. Жумладан, шамол номлари ҳам худди шундай пайдо бўлган ва тил ва нутқда ўзига хос лексик-семантик жиҳатдан қўлланиб келмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Доржиева Г.С., Языкова А.А. Мотивационные значения байкальских анемонимов // Вестник Бурятского государственного университета. – 2016. – Вып. 5. – С.9.
2. Прох Л.З. Словарь ветров. – Л.: Гидрометеоиздат, 1983. – 157 с.
3. Радченко О.А., Закутина Н.. Диалектная картина мира как идиоэтнический феномен // Вопросы языкоznания. – 2004. – № 6. – С. 25-47.
4. Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). – Улан-Удэ, 2017. – С.86-93.
5. Подольская Н. В. Словарь русской ономастической терминологии / Н. В. Подольская. – Москва: Изд-во «Наука», 1978. – С. 29.
6. Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). – Улан-Удэ, 2017. – С.86-93.
7. Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). – Улан-Удэ, 2017. – С.86-93.
8. Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). – Улан-Удэ, 2017. – С.86-93.
9. Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). – Улан-Удэ, 2017. – С.86-93.
10. Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). – Улан-Удэ, 2017. – С.86-93.
11. Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). – Улан-Удэ, 2017. – С.86-93.
12. Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). – Улан-Удэ, 2017. – С.86-93.
13. Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). – Улан-Удэ, 2017. – С.86-93.
14. Языкова А.А. Анемонимы в языковой картине мира Циркумбайкальского региона // lingvistics\_dictionary.akademic.ru //82/анемонимы. – С.160.
15. Доржиева Г.С. Французские анемонимы в международной ономастической терминологии. (Топонимические чтения. 2). – Улан-Удэ, 2017. – С.86-93.

**СҮЗ САНЬАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
4 ЖИЛД, 4 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
ТОМ 4, НОМЕР 4**

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 4, ISSUE 4**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000